

Республика Узбекистан, Сырдаринская область, Мирзаабадский район, Тинчлик МФЙ, ул. «Зиё» дом 21,  
тел. 99890 610 45 75, 99894 162 64 75

## **Мустақил аудиторлик хулосаси**

**«O`ZINTERIMPEKS»**

**акциядорлик жамияти раҳбарига**

*Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Мустақиллик  
шоҳ кўчаси, 59 уй, СТИР 200523324, ХХТУТ 72100*

Банк реквизитлари: х/р 20210000400600101001, ТИФ «Миллий» банкнинг «Марказий операцион бошқармаси» филиали, МФО 00882.

Давлат рўйхатидан ўтган: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани Давлат хизматлар марказидан 24.07.2017 йилда №000773 сон билан рўйхатдан ўтказилиб, «Юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида» ги гувоҳнома олинган.

### **Молиявий ҳисобот аудит натижалари бўйича хулоса**

Мен, «O`ZINTERIMPEKS» акциядорлик жамиятининг 2021 йил 31 декабр ҳолатига бўлган молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботи, кўрсатилган санада тугаган йил мобайнида фойда ва зарарлар тўғрисида ҳисоботи, хусусий капиталдаги ўзгаришлар тўғрисида ҳисоботи, пул оқимлари тўғрисида ҳисоботи, шунингдек ҳисоб сиёсати аҳамиятли қоидаларининг қисқача тавсифи ва бошқа изоҳловчи маълумотлардан иборат бўлган илова қилинаётган молиявий ҳисоботлари аудитини ўтказдим.

### **Ижобий изоҳли фикр**

Менинг фикримча, қўшимча изоҳлар билан фикр билдириш учун асос ифодаланаётган бўлимда тавсифланган жиҳатнинг таъсирини истисно этганда, молиявий ҳисоботлар «O`ZINTERIMPEKS» акциядорлик жамиятининг 2021 йил 31 декабргача бўлган молиявий ҳолатини, кўрсатилган санада тугаган йил мобайнида унинг молиявий натижаларини ва пул оқимларини барча муҳим жиҳатларда Бухгалтерия ҳисоботининг миллий стандартларига мувофиқ ҳаққоний акс эттиради.

### **Қўшимча изоҳлар билан фикр билдириш учун асос**

Корхонада бухгалтерия ҳисоботлари Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари асосида юритилган ва тегишли тартибда Ҳисоб сиёсати тузилган.

Корхонада ҳисоботлар «1-С Бухгалтерия» 8.3 дастури асосида юритилган. Бугунги кундаги олиб борилаётган ҳисоб китоб ишлари корхона молиявий фаолиятининг даромадлар ва харажатлар қисмини тўлиқ ёритиб беришга мўлжалланган. Лекин корхонада мавжуд Ҳисоб сиёсати Солиқ кодексининг 77-моддаси асосида Бухгалтерия ҳисобининг Халқаро стандартларига мос ҳолда тузилиши лозим, Бухгалтерия ҳисобининг Халқаро стандартлари бўйича юритилишини бугунги куннинг талабига жавоб бера оладиган замонвий программа дастурларидан фойдаланилган ҳолда юритиш ва жамиятда ички аудит хизматини ташкил этиш корхонада жиддий хатоликларни йўл қўймаслик, фирибгарлик ёки хатолик туфайли ҳисоботларни бузиб кўрсатишлар йўл қўймаслиги мумкин бўлади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 октябрдаги 215-сон қарори 2-иловасига асосан Жамиятдаги ички аудит хизмати тўғрисидаги низомнинг 1 моддасига кўра «Ички аудит этилишини хизмати» ташкил этилмаган. Мазкур низомга асосан Активларининг баланс қийлиаллари ва ваколатхоналари ишини назорат қилиш мати бир миллиард сўмдан ортиқ бўлган жамиятда ички аудит хизмати ташкил этилади.

Ушбу қарорнинг 7-бандига асосан Ички аудит хизмати ходимларининг сони ички аудит мақсадларига самарали эришиш ва вазифаларини ҳал этиш учун етарли бўлиши керак ҳамда

корхонанинг кузатувчи кенгаши томонидан сертификацияланган икки нафардан кам бўлмаган ички аудитордан иборат этиб белгиланади. Ички аудит хизматига ички аудитор сертификатига эга бўлган унинг раҳбари бошчилик қилиши кўзда тутилган. “Ички аудит хизмати” ташкил этилиши корхонада жиддий хатоликларни йўл қўймаслик, фирибгарлик ёки хатолик туфайли хисоботларни бузиб кўрсатишлар юзага келишини олдини олиш мумкин бўлади.

### **Фикр билдириш учун асослар**

Мен Аудитнинг халқаро стандартларига мувофиқ аудит ўтказдим. Менинг ушбу стандартлар бўйича жавобгарлигим ушбу хулосанинг “Аудиторнинг молиявий ҳисоботни текшируви бўйича жавобгарлиги” бўлимида батафсил ёритилган. Мен корхонадан мустақил равишда Бухгалтерлар учун халқаро ахлоқ стандартлари Кенгашининг (БХАСК) “Профиссионал бухгалтерлар учун ахлоқ” Кодекси талабларига ва ахлоқий қоидаларига, молиявий ҳисобот аудитига тегишли, ҳамда ушбу талабларга ва БХАСК Кодексида белгиланган бошқа мажбуриятларни бажарганман. Мен олган аудиторлик далиллари фикримни ифода этилишини тасдиқлаш учун етарли ва ўринли деб ҳисоблайман.

### **Аудитнинг муҳим масалалари**

Аудитнинг муҳим масалалари- ушбу масалалар, менинг профессионал мулоҳазамдан келиб чиққан ҳолда жорий давр учун молиявий ҳисоботни текшириш учун энг муҳим бўлган масалалардир. Ушбу масалалар молиявий ҳисобот аудитида кўриб чиқилган ва биз ушбу масалалар бўйича алоҳида фикр билдирмайман.

### **Молиявий ҳисобот учун раҳбарият ва бошқарув ваколатига эга шахсларнинг жавобгарлиги**

Раҳбарият молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тўғри тақдим этиш учун, БХМС га мувофиқ фирибгарлик ва хатолик туфайли жиддий бузиб кўрсатилган молиявий ҳисоботларни тайёрлаганлик учун, ҳамда раҳбарият томонидан қабул қилинган ички назорат тизими учун жавобгар.

Молиявий ҳисоботни тайёрлашда раҳбарият корхона фаолиятининг узлуксизлини баҳолашга, зарур ҳолларда узлуксиз фаолият билан боғлиқ бўлган ахборотларни ошкор этиш ва фаолият узлуксизлиги таҳминига кўра ҳисобот беришга жавобгар, агарда раҳбарият томонидан корхона фаолиятини тугатиш, фаолиятни тўхтатиш ёки бошқа ҳолатлар мавжуд бўлмаса. Бошқарув учун масъул шахслар корхонанинг молиявий ҳисоботларини тайёрлашни назорат қилиш учун жавобгардир.

### **Молиявий ҳисобот аудити учун аудиторнинг жавобгарлиги**

Бизнинг мақсадимиз молиявий ҳисоботлар фирибгарлик ва хатолик туфайли бўладиган жиддий нотўғри кўрсаткичлардан ҳоли эканлигига ишонч ҳосил қилиш, ҳамда аудиторлик фикрини аудиторлик хулосасида акс эттириш. Ақлли ишонч ишончнинг юқори даражаси бўлиб, Аудитнинг халқаро стандартларига мувофиқ ўтказилган аудит ҳар доим ҳам мавжуд жиддий хатоларни аниқлай олишга қафолат эмас. Фирибгарлик ёки хатолик туфайли бузиб кўрсатишлар юзага келиши мумкин, ушбу бузиб кўрсатишлар ягона ёки жами бўлиб молиявий ҳисоботдан фойдаланувчилар иқтисодий қарорларига таъсир қилиши мумкин бўлса, муҳим ҳисобланади. Аудитнинг халқаро стандартларига мувофиқ аудитнинг бир қисми сифатида биз бутун аудит давомида профессионал мулоҳаза юритамиз ва профессионал скептицизмни қўллаймиз. Бундан ташқари биз қуйидагиларни бажарамиз:

- фирибгарлик ёки хатолик туфайли молиявий ҳисоботнинг жиддий бузилиши хатарини аниқлаш ва баҳолаш, ушбу хатарларга жавобан аудиторлик амалларини ишлаб чиқамиз ва бажарамиз, аудит фикри учун асос бўлиб хизмат қиладиган аудиторлик далилларини оламиз. Фирибгарлик натижасида муҳим бузиб кўрсатишларни топилмаслик rischi хато туфайли муҳим бузиб кўрсатишларни топилмаслик riskидан юқори, чунки фирибгар сохталаштириш, қасддан хато қилиш, нотўғри маълумот бериш ёки ички назорат тизимини четлаб ўтувчи ҳатти-ҳаракатларни амалга оширган бўлиши мумкин;
- корхонанинг ички назорат тизимининг самарадорлиги тўғрисида ўз фикримизни билдириш учун эмас, балки вазиятга мос келадиган аудиторлик тартиб-таомилларини ишлаб чиқиш мақсадида, аудитор тадбиркорлик субъекти ўз молиявий ҳисоботларини тайёрлаши ва ҳаққоний тақдим этиши билан боғлиқ бўлган ички назорат тизимини кўриб чиқади;

- кўлланилаётган ҳисоб сийёсатининг мақбуллиги ва тадбиркорлик субъекти раҳбарияти томонидан ҳисоблаб чиқилган баҳоларнинг асослилигини баҳолашни, шунингдек молиявий ҳисоботларнинг ифодаланишини баҳолаш;
- бухгалтерия ҳисоби ва бошқарувдан олинган аудиторлик далиллари асосида, корхонанинг фаолиятни узлуксиз давом эттириш қобилиятига жиддий шубҳа тўғдириши мумкин бўлган воқеалар ва ҳодисалар билан боғлиқ муҳим ноаниқликлар мавжудми ёки йўқлиги тўғрисида, раҳбарият фойдаланиши мақсадга мувофиқлиги тўғрисида хулоса қиламиз. Агар биз муҳим ноаниқликлар мавжуд деган хулосага келсак, аудит ҳисоботида молиявий ҳисоботдаги ноаниқликларни ёритиб беришга эътиборимизни қаратамиз ёки ноаниқликларни ёритиб бериш имкони бўлмаса аудит фикрини ўзгартирамиз. Бизнинг аудит хулосамиз олинган аудиторлик далиллари асосланади. Келажакдаги воқеа ва ҳодисалар корхона фаолиятининг узлуксизлигига таъсир этиши мумкин.
- биз молиявий ҳисоботнинг тақдим этилишини, унинг тузилиши ва таркибини, шу жумладан маълумотларнинг ошқор қилинишини ва молиявий ҳисобот асосий операциялар ҳамда ҳодисаларни ишончли тарзда тақдим этилишини баҳолаймиз.

Биз бошқарув учун масъул шахслар билан аудитни режалаштириш, аудит ўтказиш вақти ва аудитда аниқланган муҳим камчиликлар, шу жумладан аудит давомида аниқланган ички назоратдаги ҳар қандай камчиликлар тўғрисида алоқа қиламиз.

Биз шунингдек Корпаратив бошқарув учун масъул шахслар аудитнинг мустақиллигига тегишли барча ахлоқий талабларга риоя қилинганлиги тўғрисида баёнот берамиз ва ушбу шахсларга аудитнинг мустақиллигига таъсир қилиши мумкин бўлган барча муносабат ва масалалар тўғрисида хабар берамиз.

Мустақил аудит ўтказган аудитор:



*(Handwritten signature)*  
*(Handwritten signature)*

Э.М.Шайзаков

Бош директор:

Э.М.Шайзаков

*Аудиторлик ташкилоти: «AVANTAJ-AUDIT» МЧЖ.*

*Манзили: Сирдарё вилояти, Мирзаобод тумани, Тинчлик МФЙ, Зиё кўчаси 21-уй, тел: 998906104575, СТИР 207091226, ИФУТ 69202 (ХХТУТ 84400).*

*Банк реквизитлари: х/р 20208000204860788001, «Узсаноатқурилишбанк» Сирдарё вилоят худудий филиали, МФО 00855.*

*Лицензия: Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 2019 йил 05 апрел кuni аудиторлик фаолиятига берилган 00765 - рақамли лицензия ва СК «GARANT INSURANCE GROUP» МЧЖ томонидан 30.11.2021 йилда Аудиторлик ташкилотларининг профессионал жавобгарлиги юзасида берилган Сугурта полиси асосида.*

*Давлат рўйхатидан ўтган: Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 2010 йил 26 июл кuni берилган 393 - рақамли гувоҳнома.*

“25” май 2022 йил